



Зарина Ашурова

*Менинг
баҳорим*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2017

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

А - 94

Ашурова, Зарина

Менинг баҳорим: шеърлар. Зарина Ашурова / Сўзбоши муаллифи Шарбат Мухторова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 60 б.

ISBN 978-9943-20-226-9

Бугунги кунда нафақат ёшларга, балки барча ижодкорларга алоҳида эътибор кўрсатилаётгани, китоб ва китобхонлик даражасини ўстиришга долзарб мавзу сифатида қаралаётгани сир эмас. Бўлажак ёзувчи ва шоирларни ёшликдан тарбиялаш ва тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида айна пайтда Республикамизнинг барча ҳудудларида ёш қаламкашлар тўғараги ва маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Навоний вилояти Нурота туманидаги «Илк нур» бадий тўғараги шундай масканлардан бири. Шу тўғарак аъзоси Зарина Ашурованинг ижод намуналаридан таркиб топган мазкур китоб нафақат шеърият ихлосмандларини, балки устоз шоирларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз. Зеро, ёш қаламкашларнинг устоз ижодкорлар маслаҳат ва йўл-йўриқларига эҳтиёж сезишлари табиийдир.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-20-226-9

© Зарина Ашурова, «Менинг баҳорим». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ШЕЪРИЯТНИНГ ЗИЛОЛ ЧАШМАСИ

Заринанинг шеърлари ўзи каби нозик, дилкаш, оддий ва самимий. Ёш қиз юрагидан сизиб чиқаётган маъсума сатрларда тонгдаги беғубор шабнамнинг марварид томчилари акс этади. Томчилардаги жиллолар беихтиёр кишини ўзига тортади. Бокира сатрларнинг туб-тубида эзгу, гўзал туйғулар яширишиб ётганига гувоҳ бўласиз. Гоҳида унинг лирик, фалсафий мисраларига ҳам тўқнаш келасиз. Улар ҳали мукамал шеърият даражасига етиб бормаган бўлса-да, Заринанинг ижодида ўзига хослик борлиги сезилиб турибди. У ўз овози, ўз қаламига эга.

Зарина Ашурова 1998 йил 22 август куни Нурота туманида туғилди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Шеърлар машқ қила бошлади. Машқлари туман, вилоят газета ва журналларида, шунингдек, «Гулхан» журнали, «Тонг юлдузи», «Зиёкор садоси» республика матбуоти саҳифаларида чоп этилди. Вилоятда ёритиладиган «Истиқлол ғунчалари» газета саҳифаларида босилди. Асосан, унинг ижод намуналари туман «Нурнома» газетаси саҳифаларида босилиб, ўз мухлисларини топди. Зарина Ашурова «Юрт келажаги», «Камалак юлдузлари» вилоят танловларида ғолиб бўлди. Айни кунда у туман ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг талабаси сифатида ўзининг яхши ўқиши, аъло хулқи, тадбирларда фаол иштироки билан тенгдошларига ибрат бўлаётир.

Ёш шеърият шайдоси шеърларига ҳаётийликни сингдиришга интилади. Қалби, шуури, ақл-идроки, эътиқодини мўътабар туйғулар билан боғлайди. Шундай кезларда беихтиёр унинг мисрала-

рига боғланиб кетганингизни ҳам билмай қола-
сиз. Бундай сатрлар инсонларни эзгуликка ундай-
ди. Шеърларидаги дўстлик, муҳаббат, мардлик,
вафо сингари инсоний туйғулар унинг ўзига яра-
ша поэтик маҳорати мавжудлигидан далолат беради.

Бироқ Зарина ўз мухлисларига пишиқ-пухта шеър-
лар инъом этиши учун ҳали ўқиб-ўрганиши, кўп муто-
лаа қилиши ва ўз устида тинимсиз ишлаши лозим. Бар-
камол ва теран тафаккур эгаси бўлиши учун меҳнат
ва яна меҳнат қилишни дилдан ҳис этиши керак.

Ёш юрак соҳибасига айтар сўзим шу: ижод сир-
ларини чуқур ўрганиш қизимизни ҳеч қачон тарк
этмасин. Зарина оҳорли, гўзал, ўзига хос талқин-
даги шеърлар битишига ишонамиз ва унга шундай
эзгу тилаклар билдирамиз: шеърятингдаги зилол
ва покиза чашма ҳамиша уйғоқ ва қайноқ бўлсин.
Сиз шеърят шайдоларига эса унинг бокира сатр-
лар тўла мисраларини инъом этиб, ташна юраклар
ҳам мана шу қайноқ ва уйғоқ зилол чашмадан қо-
ниб-қониб баҳраманд бўлсин ва илҳом олсин, деймиз!

Шарбат МУХТОРОВА,

*«Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси,
Ўзбекистон журналистлари ижодий
юшмасининг аъзоси*



ВАТАН

Ватан, сенга бахшида бўлсин жоним,
Сен туфайли умрим тўлган қувончга.
Сара шодлик – барисини илиндинг,
Бугун кўнглим тўлиб-тошган ишончга.

Ёшлик учун бердинг улуғ келажак,
Баҳор билан севинган шуур бўлдинг.
Урмимизнинг йилларини эласак,
Болаликка кулгич бўлдинг, нур бўлдинг.

Бердинг қанча орзуларни бахт билиб,
Қунимизни алмаштирдик эртакка.
Ҳар тонг мадҳинг куйлаганча берилиб,
Алла бўлиб сингиб кетдинг юракка.

Ватан, бердинг осмонингдай беғубор,
Меҳринг билан туюнган соф туйғулар.
Кулча бўлиб кулиб турган болалик,
Гўдакларга ҳаловатли уйқулар.

Ҳатто шамолларинг тиниб-тинчимас,
Сўрашади меҳр билан кўнглимни.
Энди бутун жисмим, юрагим эмас,
Ватан, сенга бахш этаман умримни.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4194> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4194> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4194>